Куч — адолатда

2015 йил
21 август,
жума
№ 33 (546)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилган пухта ўйланган сиёсат олиб борилмоқда. Ўзбекистоннинг жаҳонда "ўзбек модели" деб ном қозонган ўзига хос миллий тараққиёт йўли асосида ҳаётимизнинг барча соҳаларида изчил, қатъий ва босқичма-босқич ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда ана шу демократик ўзгаришлар ўзининг юксак самараларини бераётганини, мустақил юртимиз тарихан қисқа муддат ичида асрларга тенг бўлган юксак ривожланиш йўлини босиб ўтганини нафақат халқимиз, балки дунё жамоатчилиги ҳам эътироф этмоқда.

Мустақиллик биз учун миллий давлатчилигимизни, ўзлигимиз, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва қадр-қимматимизни тиклаш, урф-одат ва анъаналаримизни, муқаддас динимизни, буюк аждодларимизнинг табаррук номларини улуғлаш, соғлом ва баркамол янги авлодни шакллантириш бўйича илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган беқиёс имкониятлар яратиб берди.



ТАРАҚҚИЁТ ВА ЮКСАЛИШНИНГ ШУКУҲЛИ ЙЎЛИ

ҳар бир юртдошимиз кўнглига фахр-ифтихор бағишлайди

Президентимизнинг яқинда нашрдан чиққан "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир" номли янги китобида таъкидланганидек, биз ўтган даврда амалга оширган ишларимизга баҳо берар эканмиз, "кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик?" деган савол асосида уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзимизга чуқур тасаввур этамиз. «Айни вақтда эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?» деган савол устида ўйлашимиз, нафақат ўйлашимиз, балки амалий ишларимиз билан бунга жавоб беришимиз лозим.

Ҳақиқатан ҳам, мустақиллик остонасидаги йилларда юртимиз собиқ иттифоқ таркибидаги энг қолоқ ўлкалардан бири бўлиб, киши бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот бўйича 12-ўринда, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, асосий турдаги маҳсулотларни истеъмол қилиш жиҳатидан эса, энг охирги ўринларда турар эди. Яқин ўтмишда аграр республика бўлган юртимиз иқтисодиётининг асосини пахтачилик ташкил этиб, 90-йилларда мавжуд экин майдонларининг қарийб 90 фоизига пахта экилган. Энг ёмони, биринчидан, пахтанинг атиги 8-10 фоизигина ўзимизда қайта ишланган, иккинчидан, ундан келадиган асосий фойда доимо республикадан ташқарида қолиб кетган.

(Давоми иккинчи бетда)

Qonun ijodkorligi

Мақсад - қонунийликка қатъий риоя этилишини таъминлаш

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Давлат органлари фаолиятида қонунбузилиши ҳолатларининг олдини олиш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уни юзага келтирувчи омилларни бартараф этишга қаратилган қонунчиликка риоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқни қўллашнинг бир хилдаги амалиётини шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жорий йил 11 августда матбуотда эълон қилинган **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонуннинг бир қатор нормалари ҳам айнан шу мақсадга қаратилгандир.

Мазкур қонун 12 моддадан иборат бўлиб, унда 5 та кодекс ва 6 та қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш белгиланган. Бу ўзгартиш ва қўшимчаларнинг бир қисми Президентимизнинг 2014 йил 25 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига тузатишларни амалга ошириш бўйича қонун ижодкорлиги ишлари дастури тўғрисида"ги Фармойишининг ижроси доирасида ишлаб чиқилган.

Бу ўринда сўз 2014 йил 16 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун билан Конституциямизнинг 93-моддаси биринчи қисмининг 16-бандига киритилган ўзгартишни амалга ошириш механизмлари ҳақида бормоқда. Ушбу ўзгартиш ижро ҳокимияти органларининг мустақиллигини ва айни дамда масъулиятини кучайтиришга хизмат қилади.

Маълумки, амалдаги "Прокуратура тўғрисида"ги қонуннинг 14-моддаси "Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисобдорлиги" деб номланиб, унда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати олдида ҳисобдор эканлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президентига қонунийлик ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида — мунтазам равишда; ўта оғир жиноятлар ва фавқулодда ҳодисалар тўғрисида — зудлик билан; прокуратура органлари амалга оширган ишлар тўғрисида — ҳар олти ойда ахборот тақдим этиши белгиланган.

(Давоми учинчи бетда)

Маълумки, битимлар тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилабгина қолмай, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга ҳам хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Амалдаги Фуқаролик кодексида белгилаб қўйилганидек, битим — фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатидир. Битимлар бир тарафлама, икки тарафлама ёки кўп тарафлама бўлиши мумкин.

Fuqarolik qonunchiligi

Битим ва шартномалар тузиш

чоғида қонунийликка риоя этиш турли низолар ва ортиқча оворагарчиликларга ўрин қолдирмайди

Айтиш жоизки, қонун ҳужжатлари талабига мувофиқ келмайдиган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига зид бўлган ҳамда ўн тўрт ёшга тўлмаган шахс томонидан тузилган, қалбаки ва кўзбўямачилик учун тузилган битимлар ҳақиқий саналмайди ва улар ҳеч қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтирмайди.

Битимнинг муҳим қисми, яъни унинг предметини, юридик табиатини ёки мақсадини ва бошқа муҳим шартларини кўрсатувчи бандлари ҳақиқий бўлмаганида битим бутунлай юридик кучга эга бўлмайди.

Агар битим давлат ва жамият манфаатларига зид мақсадларда тузилганлиги аниқланса, ҳар икки тараф томонидан бажарилган битим юзасидан олинган ҳамма нарса ундирилиб, давлат даромадига ўтказилади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси манфаатларига хилоф равишда битимлар тузганлик учун Жиноят кодексининг 175-моддасида жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ҳақиқий саналмайдиган битимлардан ташқари низоли битимлар ҳам мавжуд бўлиб, аввало, битим тузувчи шахс ўзи томонидан тузилаётган битимнинг характерини ва ҳуқуқий оқибатларини аниқ-равшан билиши лозим.

(Давоми иккинчи бетда)

Xabar

ЭЛЕКТРОН СУДЛОВ: самарали ҳуқуқий ҳимоя тизими

Давлат ҳокимиятининг муҳим тармоғи бўлган суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳуқуқий давлатни шакллантириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Бу борада мамлакатимизда жорий этилган чора-тадбирлар натижасида судлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга хизмат қиладиган ишончли тизимга айланди. Айниқса, суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишнинг қонунчилик асослари замон талаби, халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ такомиллашаётганини дунё ҳамжамияти ҳам эътироф этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 2 августдаги "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони судлар фаолиятини янада такомиллаштиришда муҳим дастуриламал бўлди. Шу асосда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилаётгани тизимда ўзига хос янги босқични бошлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан "E-Sud" — миллий электрон судлов тизими афзалликларига бағишлаб ўтказилган тадбирда шу йўналишда амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини такомиллаштириш бўйича тадқиқот маркази директори Н.Жўраев, Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси Х.Ёдгоров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барпо этилган ҳуқуқий-демократик, эркин фуқаролик жамияти фуқароларнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечиришига мустаҳкам замин яратаётганини таъкидлади.

(Давоми учинчи бетда)

Qonun ko`magi

Малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи

амалда самарали таъминланиши тадбиркорлик ривожига хизмат қилади

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш энг долзарб масалалардан ҳисобланади.

Айниқса, тадбиркорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан соддалаштириш, соҳа вакилларининг мустақил фаолиятига салбий таъсир кўрсатадиган тўсиқ-ғовларни бартараф этиш, шу орқали уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш давр талабидир.

(Давоми учинчи бетда)

Huquqiy ma`rifat

Фарзандликка олишнинг қонуний тартиби

оилалар мустаҳкамлиги ва ёш авлод камолотида муҳим ўрин тутади

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёшлар, айниқса, вояга етмаганларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёш авлодни баркамол шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, уларнинг ҳуқуқларини кафолатли ҳимоя қилишга қаратилган ислоҳотлар изчиллик билан босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

Ўтган йили бир танишимга олти ой муддатда қайтариб бериш шарти билан қарз берган эдим. Аммо у ҳали-ҳануз қарзни қайтаргани йўқ. Яқинда уни излаб уйига борсам, қўшнилари бу ердан аллақачон кўчиб кетганини айтишди. Саволим шуки, мен бундай вазиятда даъво аризани қаерга тақдим этишим мумкин?

Озода АСРОРОВА,
Қашқадарё вилояти, Косон тумани

— Амалдаги Фуқаролик-процесуал кодексининг 241-моддасида даъвогарнинг танлаши бўйича судловга таллуқлилик тўғрисида маълумот берилган. Мазкур модда талабига асосан, яшаш жойи номаълум бўлган жавобгарга нисбатан даъволар унинг мол-мулки турган жойда ёки унинг сўнгги яшаган жойидаги туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судга тақдим этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида яшаш жойига эга бўлмаган жавобгарга нисбатан даъволар Ўзбекистон Республикасида унинг мол-мулки турган жойда ёки маълум бўлган сўнгги яшаш жойида тақдим этилиши мумкин.

Даъвогар алимент ундириш, оталикни белгилаш ва майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлик ёхуд боқувчининг ўлими натижасида кўрилган зарар ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволарни ўзи яшаб турган жойда ҳам тақдим этиши мумкин.

Турли жойларда яшовчи ёки турувчи бир неча жавобгарга нисбатан ёки юридик шахс бўлиб, турли манзилда жойлашган жавобгарларга нисбатан даъво даъвогарнинг танлаши бўйича жавобгарлардан бири яшайдиган ёки турган жойда тақдим этилади.

Агар даъвогарнинг вояга етмаган болалари борлиги, шунингдек, ногиронлиги ёки оғир касаллиги туфайли у жавобгар яшаб турган жойдаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судига боришга қийналса, никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги даъволар даъвогар яшайдиган жойда тақдим этилиши мумкин.

Айтинг-чи, фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати қачондан бошлаб вужудга келади?

Абдунаби ИКРОМОВ,
Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри

— Фуқаролик кодексининг 17-моддасида қайд этилганидек, барча фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлиш лаёқати (ҳуқуқ лаёқати) тенг равишда эътироф этилади. Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати у туғилган пайтдан эътиборан вужудга келади ва вафот этиши билан тугайди.

Мазкур кодекснинг 18-моддасида эса, фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқатининг мазмунига таъриф берилган бўлиб, унга биноан фуқаролар — мулк ҳуқуқи асосида мол-мулкка эга бўлиши; мол-мулкни мерос қилиб олиши ва васият қилиб қолдириши; банкда жамғармаларга эга бўлиши; тадбиркорлик, деҳқон (фермер) хўжалиги билан ҳамда қонунда тақиқлаб қўйилмаган бошқа фаолият билан шуғулланиши; ёлланма меҳнатдан фойдаланиши; юридик шахслар ташкил этиши; битимлар тузиши ва мажбуриятларда иштирок этиши; етказилган зарарнинг тўланишини талаб қилиши; машғулот турини ва яшаш жойини танлаши; фан, адабиёт ва санъат асарларининг, ихтиронинг, қонун билан қўриқланадиган бошқа интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифи ҳуқуқига эга бўлиши мумкин. Шунингдек, фуқаролар бошқа мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Шахс вафот этгач, у тўлаши керак бўлган тўловлар ким томонидан амалга оширилади?

Зилола КАРИМОВА,
Жиззах вилояти, Бахмал тумани

— Солиқ кодексининг 52-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, вафот этган жисмоний шахснинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти унинг мерос қилинган мол-мулкини қабул қилган меросхўри (меросхўрлари) томонидан, мерос қилинган мол-мулкнинг қиймати доирасида ва меросдаги улушга мутаносиб равишда, мерос қабул қилиб олинган кундан эътиборан бир йилдан кечиктирмасдан бажарилади. Вафот этган жисмоний шахс тўлаши лозим бўлган пеня ва (ёки) жарималарни тўлаш мажбурияти меросхўрга (меросхўрларга) нисбатан татбиқ этилмайди.

Солиқ қарзига эга бўлган жисмоний шахс вафот этган тақдирда, жисмоний шахс ҳисобга қўйилган ва (ёки) унинг мол-мулки турган жойдаги давлат солиқ хизмати органи вафот этган шахснинг меросхўри (меросхўрлари) тўғрисида ахборот олинган пайтдан эътиборан ўттиз кун ичида унга (уларга) солиқ қарзи борлигини маълум қилиши шарт.

Илтимос, фермер хўжалигини юритиш учун ер участкалари бериш тартиби ҳақида маълумот берсангиз?

Исроил ОТАЖОНОВ,
Хоразм вилояти, Гурлан тумани

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, амалдаги "Фермер хўжаликлари тўғрисида"ги қонуннинг 11-моддаси талабига кўра, фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари очиқ танлов асосида ижарага эллик йилгача бўлган, лекин ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга берилади. Бунда фермер хўжалиги ташкил этилаётган жойда яшовчи шахслар устун ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Захира ерлардан ёки юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ер участкалари ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси ўтказган танлов якунларига кўра, туман ҳокимининг қарорига асосан берилади.

Фаолият кўрсатаётган, қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкалари махсус ташкил этилган комиссия ўтказган танлов якунларига кўра, туман ҳокимининг қарорига асосан берилади. Туман ҳокимининг фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисидаги қарори вилоят ҳокими бошчилик қиладиган ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссияси томонидан тасдиқланганидан кейин кучга киради. Ер участкасини ижарага олиш шартномаси фермер хўжалигининг бошлиғи ва туман ҳокими томонидан имзоланади.

Саволларга Олий суд бўлим бошлиғи Санжар ҚЎЧҚАРОВ жавоб берди.

Munosabat

Тараққиёт ва юксалишнинг шукуҳли йўли

ҳар бир юртдошимиз кўнглига фахр-ифтихор бағишлайди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бундан ҳам ёмони, оғир меҳнат қилиб ҳалол пешона тери билан пахта етиштирган халқимиз охир-оқибатда "пахта иши", "ўзбеклар иши" деган бўҳтону маломатларга дучор этилди. Шу тариқа қанчадан-қанча юртдошларимиз қораланди, судланди ва қамоқларга ташланди. Ҳатто уларнинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари ва яқинларигача тазйиқ ва ҳақоратлар домида қолди. Биз тарихнинг бу аччиқ сабоқларини ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак.

Истиқлол қаддимиз ва қадриятларимизни баланд кўтарди. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ пахтага, пахтакорга, деҳқонга муносабат тубдан ўзгарди. Авваламбор, пахта майдонлари қисқартирилди. Халқимизга томорқа учун ер майдонлари ажратилди. Буларнинг барчаси ижтимоий ҳимоя борасида жуда муҳим, таъбир жоиз бўлса, тарихий аҳамият касб этди. Галла мустақиллиги таъминланди. Шунингдек, далаларимизда бошқа экинлар экишга қулай шароитлар яратилди.

Шу каби омиллар туфайли ўтган йигирма тўрт йил ичида Ўзбекистон иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, аграр республикадан саноати тез ривожланаётган ва иқтисодий салоҳияти изчил юксалиб бораётган қудратли мамалакатга айланди. Эндиликда кечаги кунимиз билан бугунги саодатли ҳаётимиз ўртасида ер билан осмонча фарқ борлигига ҳар биримиз амин бўлиб турибмиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, истиқлол туфайли Ўзбекистон улкан индустриал давлатга айланди. Замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш ҳисобидан иқтисодиётда саноатнинг улуши 25 фоизга етди. Экспортбоп ва рақобатбадош маҳсулотларнинг 60 фоизидан ортиғи юқори технологияларга асосланган соҳаларда ишлаб чиқарилмоқда. Тарихан қисқа давр ичида мамлакатимиз иқтисодиёти 5,5 баробар ўсди.



Янги ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектлари йил сайин кўпайиб бормоқда. Биргина 2014 йилда малакатимизда 20 мингдан зиёд янги тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини бошлагани ҳам бу фикримизни яққол тасдиқлайди. Умуман олганда, ҳозир уларнинг умумий сони 195 мингдан зиёдни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич 2000 йилдагига нисбатан 2 баробар кўпдир.

Яна бир муҳим кўрсаткич: бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг мамлакатимизда ялпи ишлаб чиқариладиган маҳсулот таркибидаги улуши 56 фоиздан ортиқни ташкил этмоқда. Энг муҳими, ушбу соҳада иш билан банд аҳолининг 75-77 фоизи фаолият юритаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бинобарин, халқаро экспертларнинг фикрича, бу кўрсаткич айрим ривожланган давлатлардагидан ҳам юқори ҳисобланади.

Бугун бизга ғурур ва ишонч бағишлаётган ушбу рақамлар, албатта, юртимизда мустақиллик йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама рағбатлантиришга, уларнинг ҳуқуқий кафолатлари ва ҳимоясини таъминлашнинг кучли тизимини яратишга қаратилаётган кенг кўламли ишларнинг амалий натижаларидир. Зеро, аслини олганда, "тадбиркорлик", "хусусий тадбиркорлик", "оилавий тадбиркорлик", "бизнес", "кичик бизнес" каби тушунчаларнинг ўзи ҳам айнан Истиқлол шарофати билан пайдо бўлди ва аллақачон ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди.

"Фермер" тушунчаси ҳам янги давримизга хос шундай янгича атамалардан биридир. Бугун фермерлар фақат қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчиларгина эмас, балки қишлоқ тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олган қудратли ижтимоий-сиёсий ҳаракатга, яъни ўрта мулкдорлар синфининг ўзагига айланиб бормоқда. Бинобарин, Ислом тараққиёт банки президенти Аҳмад Муҳаммад Али ҳақли равишда эътироф этганидек, қишлоқ ҳудудларини комплекс ривожлантириш соҳасидаги ташаббус бу Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар дастурининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, моҳиятан иқтисодий ислоҳотларнинг "ўзбек модели" самарадорлиги ва изчиллигининг ёрқин далилидир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодиётига умумий қиймати 195 миллиард доллардан зиёд ҳажмдаги инвестициялар жалб қилинди. Уларнинг 65 миллиард доллардан ортиқ қисмини хорижий инвестициялар ташкил этади. Бу, шубҳасиз, мамлакатимизда инвестициялар учун қулай муҳит ва зарур шарт-шароитлар яратилганидан далолат беради. Истиқлол йилларида биз учун мутлақо янги бўлган автомобилсозлик, нефть ва газ, қурилиш материаллари саноати, озиқ-овқат ва бошқа кўплаб саноат тармоқлари корхоналари ишга туширилди.

Осиё тараққиёт банки президенти Такехико Макао қайд этганидек, кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари дунёдаги ривожланган ва ривожланаётган давлатлар иқтисодиётининг ўсиш суръатидан ошди. 2012 йилда Ўзбекистонда умумий инвестициялар ҳажми 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестициялар ҳажмининг 22 фоиздан зиёдини хорижий инвестициялар ташкил этади. Бу пухта ўйланган макроиқтисодий бошқарув ва тараққиёт сари босқичма-босқич ёндашув бўйича "ўзбек модели" муваффақиятининг яққол намунасидир. Ушбу ўзгаришлар янги иш ўринларини ташкил этишга имкон яратади. Кенг қамровли ўсишни қўллаб-қувватлайди ҳамда юқори даромадли давлатлар гуруҳига муваффақиятли ўтишини таъминлайди.

Ўз навбатида, бугунги ҳаётимизни кечаги кун билан қиёслаш учун биргина озиқ-овқат саноати соҳасини олайлик. Агар 1990-йилларда юртимиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш даражаси атиги 10 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда бу маҳсулотларнинг 96 фоизи бевосита мамлакатимизда тайёрланаяпти. Жумладан, ўтган даврда аҳоли жон бошига гўшт истеъмол қилиш — 1,3 баробар, сут маҳсулотлари истеъмоли — 1,6 баробар, консерваланган маҳсулотлар истеъмоли 4 баробар ошди.

Айни вақтда озиқ-овқат тармоғи мамлакат саноатининг 17 фоиздан ортиқ қисмини ташкил этади. Мазкур соҳада ўзлаштирилаётган ички ва ташқи инвестициялар ҳам янги замонавий корхоналар ташкил этиш, мавжудларини модернизация қилиш жараёнларига йўналтирилмоқда. Инвестиция дастури бўйича бу соҳада 2008 йилда 30 миллион долларлик 150 та лойиҳа рўёбга чиқарилган бўлса, бугунги кунда умумий қиймати 210 миллион доллар сармояга тенг 1400 та лойиҳани амалга ошириш устида иш кетяпти. Ана шундай изчил ривожланиш ҳисобига кейинги 5 йил мобайнида сут, гўшт, мева-сабзавотларни қайта ишлаш 2 мартага кўпайиб, тармоқда 20 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Бу борада йирик халқаро экспертларнинг бераётган баҳолари ҳам диққатга моликдир. "Ўзбекистон тўғри йўлдан бормоқда ва ўзининг шу йўлдаги кейинги саъй-ҳаракатларини давом эттириш учун жуда мустаҳкам асосга эга, — дейди БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти бош директори Жозе Грациану да Сильва. — 2000 йилларнинг бошлари ва бугунги кунгача бўлган даврда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида муҳим аҳамиятга молик тараққиётга эришди. Мамлакатда буғдой етиштириш 2 баробар, картошка ва сабзавот етиштириш 3 баробар кўпайди. Шунингдек, мева етиштириш ҳам сезиларли равишда ортиб, узум ишлаб чиқариш даражаси 2 баробар кўпайди. Умуман, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги йилига ўртача 6 фоизга ўсмоқда. Бундай ижобий ўзгаришларга аграр тармоқни ислоҳ қилиш натижасида эришилди".

Янада эътиборли жиҳати шундаки, Ўзбекистон бугунги кунда Голландия, Германия, Латвия, Литва, Жанубий Корея каби 80 дан ортиқ давлатга озиқ-овқат маҳсулотларини тайёр ҳолда экспорт қилмоқда. Кейинги 10 йил ичида мева шарбатини экспорт қилиш 2 баробар кўпайди. Экспортдан тушадиган молиявий маблағлар, яъни валюта тушуми эса, 6 баробар ошди. Буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга жаҳон бозорларида талаб катталиги, миллий маҳсулотларимиз эса, сифатли, арзон ва рақобатдошлигининг ўзига хос далолатидир.

Мустақиллик йилларида аҳолининг жон бошига ҳисобланган реал даромадлари 9 баробар ўсди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадлар улуши йил сайин ошиб бормоқда. Бугунги кунда бу улуш 52 фоиздан ортиқни, яъни МДҲ давлатлари орасидаги энг юқори кўрсаткични ташкил этмоқда.

Мамлакатимиз эришаётган ютуқ ва марралар дунё ҳамжамияти томонидан ҳам кенг эътироф этилмоқда. Хусусан, БМТ кўмагида АҚШнинг Колумбия университети томонидан ташкил этилган социологик тадқиқотлар асосида эълон қилинган "Бутунжаҳон бахт индекси"нинг янги рейтингида давлатимиз 158 мамлакат ичида 44-поғонани, МДҲ давлатлари орасида эса 1-ўринни эгаллади. Бу тадқиқотларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар миқдори, ижтимоий ҳимоя, оилалар мустаҳкамлиги, умр давомийлиги, шахс эркинлиги, жамиятдаги хайр-саховат, ҳамжиҳатлик ва аҳолининг хурсандчилиги даражаларини ўрганиш бўйича ўтказилган сўров натижалари инобатга олинган.

Ўзбекистон бахтли мамлакатлар рейтингида юқори ўринларни эгаллагани бежиз эмас. Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, халқимиз турмуш даражаси ва ҳаёт сифати мазкур мезонларга тўла мос келади.

Яқинда Швейцарияда Жаҳон иқтисодий форуми иқтисодиёти тез ривожланаётган мамалакатлар рейтингини эълон қилди. Бунда ҳам 2014 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда йиллик ўсиш даражаси энг юқори бўлган давлатлар орасида Ўзбекистон 5-ўринда қайд этилгани, албатта, кўп нарсадан далолат беради.

Чиндан ҳам, халқимиз танлаган миллий тараққиётнинг "ўзбек модели" нақадар тўғрилигини тарихнинг ўзи ҳар қадамда исботлаб бермоқда. Бугунги кунда дунёда атиги 38 та давлатда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам автомобиль ишлаб чиқарилмоқда. Мамлакатимиз Буюк Британиядаги автомобиль ишлаб чиқарадиган давлатлар ассоциациясининг ҳақиқий аъзоси саналади. Агар жаҳон миқёсида бор-йўғи 10 тагина давлатда автомобиль двигателлари ишлаб чиқарилишини назарда тутадиган бўлсак, бу кам сонли мамлакатлар орасида жонажон юртимиз ҳам борлиги ҳар биримизга ҳам ҳайрат, ҳам ғурур бағишлаши тайин.

Мухтасар айтганда, Ватанимиз мустақилликка эришгандан буён орадан 24 йил ўтди ва биз энди ўз сўзига, қатъий фикрига эга бўлган бахтли, муштарак ва ҳамжиҳат миллат сифатида шаклландик. Энди биз тарихи шонли, бугуни саодатли, эртаси ёруғ халқмиз. Ҳозирги кунда дунё минбарларидан жаранглаётган овозимизнинг ўрни, ҳурмати ва ўзига муносиб жаҳоний эҳтироми бор.

Рустам ҚОБИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Fuqarolik qonunchiligi

Битим ва

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Юқорида кўрсатилган талабларга риоя қилмаслик битим тузилган пайтда ҳақиқий саналса ҳам, кейинчалик бундай битимлар юзасидан низо келиб чиқиши мумкин.

Шунингдек, ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги, руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан тузилган битимлар ҳам ҳақиқий деб ҳисобланмайди.

Вояга етмаган ўсмирлар қисман муомала лаёқатига эга бўлса-да, битимларни ота-оналари ёки ҳомийларининг розилиги билан тузиши лозим. Агар битим уларнинг ота-оналари ёки ҳомийлари иштирокисиз тузилган бўлса, ота-она ёки ҳомийларининг даъвосига биноан, суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин. Демак, бундай битимлар, умуман, ҳақиқий саналса-да, улар тўғрисида низо қўзғатилиши ва битим тузувчиларнинг қонуний вакиллари томонидан қўзғатилган даъволарга биноан суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Бундан ташқари муомалага лаёқатли тараф агар иккинчи тарафнинг муомалага лаёқатсиз эканлигини билган бўлса, унинг битим туфайли қилган харажатларини, мулкнинг йўқолиши ёки зарарланишидан келган зиёнларни шу вояга етмаган шахсга тўлашга мажбур.

Янглишиш таъсирида тузилган битим ҳақиқий эмас деб топилса, тарафлардан бири иккинчи тарафга битим юзасидан олинган барча нарсаларини қайтаришга, унинг қийматини тўлашга мажбур. Агар битим ҳақиқий эмас деб топилган тараф, янглишиш иккинчи тарафнинг айби билан юз берганлигини исботлай олса, у иккинчи тарафдан ўзига етказилган зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Алдаш, зўрлаш, қўрқитиш таъсири остида ёки бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда ёхуд фуқаро учун оғир ҳолатларнинг юз бериши оқибатида тузилган битим жабрланувчининг даъвоси бўйича ҳақиқий саналмаслиги мумкин. Алдаш таъсири остида битим тузилишида битим тузувчи иккинчи томонни атайин янглиштиради. Бундай ҳолатда алданувчи томон битимнинг шартлари тўғрисида нотўғри тасаввурга эга бўлади. Қўрқитиш таъсири остида битим тузилишида жабрланган шахс ўзига ёки яқин кишиларига бирор мулкий ёки шахсий зарар етказилишидан қўрқиб, битим тузишга мажбур бўлади.

Демак, алдаш, қўрқитиш орқали тузилган битим ҳақиқий эмас, деб топилса, иккинчи тараф битим юзасидан олган нарсасини жабрланувчига қайтариши лозим. Битим юзасидан жабрланувчининг иккинчи тарафдан асоссиз олган мулки давлат даромадига ўтказилади.

Шу ўринда битимлар билан боғлиқ суд амалиётига назар соладиган бўлсак, низоларнинг аксариятини битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги ишлар ташкил этади.

Фикримизнинг тасдиғи сифатида судда қўрилган қуйидаги ишни мисол қилиб келтириш мумкин. Даъвогар С.Комилов жавобгарлар Д.Акбаров ва нотариал идорага нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда нотариал идорада ўзи ва Д.Акбаров ўртасида 2011 йил 29 ноябрда тузилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Шунингдек, Д.Акбаров ҳам С.Комиловга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда жавобгар С.Комиловни оила аъзолари билан низоли хонадондан мажбурий тартибда чиқаришни сўраган.

Иш туманлараро судида кўриб чиқилиб, суднинг ҳал қилув қарори билан даъвогар С.Комиловнинг даъвоси қаноатлантиришдан рад қилинган.

Д.Акбаровнинг аризаси эса, қаноатлантирилиб, жавобгар С.Комилов фарзандлари билан бирга низоли хонадондан мажбурий тартибда чиқарилган.

Qonun ijodkorligi

Мақсад – қонунийликка қатъий риоя этилишини таъминлаш

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Энди мазкур модда яна иккита қисм билан тўлдирилди. Унга кўра: "Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларини ижро этиш мақсадида ўтказилган текширувлар давомида давлат бошқарув органлари ва ҳокимларнинг қонун ҳужжатлари нормаларига номувофиқ бўлган ҳужжатлари аниқланган тақдирда, Бош прокурор бу ҳужжатларни тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритади". Яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларини ижро этиш мақсадида ўтказилган текширув бўлгандагина, шунингдек, қонун ҳужжатлари нормаларига номувофиқ бўлган ҳужжатлар аниқлангандагина давлат бошлиғига бундай таклиф киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари деганда, Конституциямизнинг 94-моддасида белгиланган фармон, қарор, фармойиш шаклида ифодаланган ҳужжатлар тушунилади. Давлат бошқарув органларига қайси органлар киради, деган саволга жавобни эса, Президентимизнинг 2003 йил 9 декабрдаги "Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонидан топишимиз мумкин. Унда вазирликлар, давлат қўмиталари, қўмиталар, агентликлар, шунингдек, улар ҳузурида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этиладиган давлат бошқаруви тузилмалари республика давлат бошқаруви органлари жумласига кириши белгиланган.

Қонун ҳужжатлари нормаларига мослиги масаласи "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонуннинг 6, 7 ва 16-моддаларида ўз ифодасини топган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устуворлиги сўзсиз тан олинади. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ва уни ижро этиш учун қабул қилинади ҳамда унинг нормалари ва принципларига зид келиши мумкин эмас.

Турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик кучи бўйича ўзаро нисбати Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилган органларнинг ваколатига ва мақомига, ушбу ҳужжатларнинг турларига, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган санага мувофиқ белгиланади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шарт.

Айтиш керакки, қонунга киритилган яна бир қўшимчага мувофиқ, давлат бошқарув органлари ва ҳокимларнинг ҳужжатлари фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини жиддий равишда камситаётган бўлса, Бош прокурор бу ҳужжатларни тўхтатиб туриш ёхуд бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритиши мумкин.

Бинобарин, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари — энг асосий, энг муҳим фундаментал ҳуқуқ ва эркинликлардир. Мазкур ҳуқуқ ва эркинликлар конституциявий тарзда мустаҳкамланиб, олий юридик муҳофаза остига олинган. Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар борасидаги ҳуқуқий муносабатлар фуқаро ва давлат ўртасида вужудга келиб, давлат зиммасига ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва муҳофазалаш мажбуриятини юклайди.

Мазкур ваколат айнан прокуратура органлари зиммасига юклатилганлиги бежиз эмас, албатта. Чунки, аввалламбор, "Прокуратура тўғрисида"ги қонуннинг 2-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборатдир.

Шунингдек, мазкур қонуннинг 4-моддасига кўра, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш; фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бирини ташкил этади.

Бундан ташқари ушбу қонуннинг 5-моддасига кўра, прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принципларидан бири мустақилликдир. Прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширади. Прокуратура органларининг фаолиятига аралашиш тақиқланади.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 24 июлда қабул қилинган "Қонунчилик ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига тўхталиш жоиз. Мазкур ҳужжатга асосан қонунийликни таъминлаш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ноқонуний ҳужжатлар қабул қилинишига йўл қўймаслик тизимини янада такомиллаштириш, давлат органлари мансабдор шахсларининг идоравий-меъёрий ҳужжат ижодкорлиги борасидаги масъулиятини кучайтириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш, давлат органлари ҳуқуқий ҳужжатларининг амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги устидан назорат самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси таркибида Қонунчилик ижроси устидан назорат бош бошқармаси ташкил этилди.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларининг ижроси ҳамда улар томонидан қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги устидан назоратни амалга ошириш, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этилиши устидан самарали назоратни таъминлаш каби вазифалар Фармонда Бош бошқарманинг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Албатта, мазкур қўшимчалар давлат бошқарув органлари раҳбарлари ва ҳокимларнинг ўзлари қабул қилаётган ҳужжатларининг қонунийлиги бўйича масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, "Прокуратура тўғрисида"ги қонуннинг 14-моддасига киритилган қўшимчалар прокуратура органларининг қонунлар аниқ ҳамда бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширишдек конституциявий ваколатларини янада самарали таъминлашга, қонун устуворлигини мустаҳкамлашга, энг асосийси, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга йўналтирилгандир.

Миравзал МИРАКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар номзоди

Xabar

ЭЛЕКТРОН СУДЛОВ:
самарали ҳуқуқий ҳимоя тизими

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилаётгани фуқароларнинг ҳуқуқлари ўз вақтида тикланиши билан бирга уларнинг вақти ва маблағи тежалишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда БМТ Тараққиёт дастури ҳамкорлигида тайёрланган "E-Sud" — миллий электрон судлов тизими бунга кенг йўл очмоқда. Тажриба тариқасида Фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судида синовдан ўтказилган мазкур ахборот тизими орқали электрон ҳужжат алмашинуви йўлга қўйилгани иш сифати ва самарадорлиги ошишига олиб келди. Чунки тизим тарафларга суд хабарномалари ва ҳужжатларини ахборот-коммуникация технологиялари орқали жўнатиш, суд ҳужжатларини ишлаб чиқилган намуналар асосида тайёрлаш, суд мажлисларининг ягона тақвимини жорий этиш, суд ҳужжатлари сақланадиган ягона маълумотлар базаси ва суд ҳисоботларини тузишни автоматлаштириш каби вазифаларни тезкор амалга ошириш имконини берди.

2015 йил 9 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига киритилган ўзгартишга кўра фуқаролик судларига электрон мурожаат қилиш қонунчиликда акс эттирилди.

— Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналиши ҳисобланади, — дейди БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Стефан Приснер. — Бу соҳада электрон судлов тизими жорий этилаётгани очиқлик таъминланишига, қонун устуворлиги рўёбга чиқарилишига, энг муҳими, фуқароларга ҳар томонлама қулайлик яратилишига шароит юзага келтирилаётгани эътиборга молик.

Тадбир давомида журналистлар электрон судлов тизими жорий этилган Фуқаролик ишлари бўйича Зангиота ҳамда Мирзо Улуғбек туманлараро судлари фаолияти билан танишиш имконига эга бўлди.

Мазкур тизим орқали судга мурожаат қилишнинг афзаллиги шундаки, судга мурожаат қилувчи фуқаро тизимга кириб, судга даъво талаби билан мурожаат қилишда қандай ҳужжатлар илова қилиниши лозимлиги, аризани расмийлаштириш, давлат божи тўлови миқдори, қўшимча тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар борасида тўлиқ маълумот олади. Хусусан, тизимнинг ўзи фуқаро даъво ариза турини танлаши билан низони судда кўриб чиқиш учун лозим бўлган маълумотларни сўрайди. Даъво ариза топширилгач, суд томонидан кўриб чиқишга қабул қилинганлиги ёки қабул қилиш рад этилганлиги ёхуд ҳаракатсиз қолдирилгани ҳақида маълумот суд веб-саҳифасида акс этади. Натижада судга мурожаат қилган фуқарода суднинг тегишли ажрими билан танишиш ва уни олиш имкони пайдо бўлади.

Фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судида тизим жорий этилганидан буён қирқ мингдан зиёд ариза электрон шаклда кўриб чиқилган. Уларнинг тезкорлик билан кўриб чиқилиши ва ариза берувчиларнинг манфаатлари ҳимоя қилиниши таъминланган. Айни пайтда электрон судлов тизими пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидаги ўнга яқин судда ўрнатилди.

Суд тизимида замонавий имкониятлардан фойдаланилаётгани халқимиз учун яратилган катта қулайлик бўлиши билан бирга, халқаро амалиётга ҳам тўла мос келади. Бу суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини юксак даражада ҳимоялашга хизмат қилади.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Qonun ko`magi

Малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи
амалда самарали таъминланиши тадбиркорлик ривожига хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бу ҳақда сўз борганда, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш бугунги кунда ҳар қачонгидан кўра ҳам муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги **"Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони ана шундай эзгу мақсадларни амалга оширишга қаратилган муҳим ҳужжат бўлди.

Мазкур Фармон билан тадбиркорларни ишончли ҳимоя қилиш, уларнинг ривожланиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этишнинг тўртта асосий йўналиши бўйича 33 та аниқ чора-тадбир белгиланган бўлиб, улар тизимли равишда амалга оширилмоқда. Шу жумладан, адвокатура институтининг тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатига алоҳида эътибор қаратилиб, амалдаги қонунчиликка бу борада тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилган.

Хусусан, Фармоннинг 2-бандига мувофиқ, 2015 йилнинг 1 июлидан қўзғатилган жиноий ишлар муносабати билан хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъект жалб этган адвокат иштирок этган ҳолда (хўжалик юритувчи субъект томонидан ушбу ҳуқуқнинг рад этилиш ҳолатлари бундан мустасно) амалга ошириш тартиби ўрнатилди.

Худди шундай норма мазкур Фармон билан тасдиқланган Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар дастурида ҳам белгиланган.

Юқоридаги чора-тадбирларни ҳаётга чуқур татбиқ этиш мақсадида, Республика Бош прокуратураси томонидан Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қонун лойиҳаси "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 39-моддасига тегишли қўшимчалар киритишни кўзда тутади.

Мазкур қонун лойиҳасига кўра, тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти бўйича қўзғатилган жиноят ишлари муносабати билан текшириш ўтказишнинг барча босқичларида тадбиркорлик субъектлари томонидан жалб қилинган адвокатларнинг тўсқинликсиз иштирок этиш ҳуқуқи таъминланади.

Текшириш бошлангунга қадар текширишни амалга оширувчи мансабдор шахс томонидан тадбиркорлик субъектининг ваколатли вакилига унинг текширишда иштирок этишга адвокатни жалб қилиш ҳуқуқи ёзма шаклда тушунтирилади. Адвокат иштирокидан воз кечилган тақдирда, бу ҳақда баённома тузилади. Бунда адвокат хизматларидан воз кечганлик тадбиркорлик субъекти томонидан адвокатни текширишнинг келгуси босқичларида жалб қилишга монелик қилмайди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоя қилишга доир қонун ҳужжатларининг тўлақонли ижроси, хусусан, уларда белгиланган имтиёз ва имкониятларнинг тўлиқ қўлланилиши, ўз навбатида, иқтисодиётимизнинг янада ривожланишига хизмат қилади.

И. МУСУРМОНОВ,
Адлия вазирлиги катта маслаҳатчиси

шартномалар тузиш
чоғида қонунийликка риоя этиш турли низолар ва ортиқча оворагарчиликларга ўрин қолдирмайди

Мазкур фуқаролик ишини апелляция инстанциясида кўришда аниқланишича, низоли хонадон даъвогар С.Комиловга тегишли бўлган ва хонадон 2011 йил 3 ноябрда ваколатли давлат органида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Даъвогар С.Комилов ўзига тегишли бўлган хонадонни жавобгар Д.Акбаровга 2011 йил 29 ноябрда нотариал идора орқали 27 миллион сўмга сотган.

Шартнома тузилгунга қадар низоли хонадоннинг сотилишига даъвогар С.Комиловнинг турмуш ўртоғи Р.Комилова нотариал тартибда, тасдиқланган аризага биноан, ўз розилигини билдирган.

Олди-сотди шартномасига асосан, янги мулкдор С.Комилов хонадонни 2011 йил 29 ноябрда ваколатли давлат органида давлат рўйхатидан ўтказган.

Бироқ даъвогар С.Комилов мазкур хонадон олди-сотди шартномаси номигагина тузилганлиги, аслида эса, жавобгарлардан қарз олганлиги ва бунинг эвазига жавобгарлар алдаб нотариал тартибда олди-сотди шартномасини расмийлаштиришгани ҳақидаги важларни асос қилиб, шартномани ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Тарафлар ўртасида имзоланган нотариал тартибда тасдиқланган шартномада низоли хонадон 27 миллион сўмга сотилганлиги ва ушбу пулни даъвогар С.Комилов олганлиги, олди-сотди қилинаётган хонадон юзасидан ҳеч қандай таъқиқ ва низо йўқлиги баён этилган ҳамда мазкур шартнома матни тарафларга ўқиб эшиттирилганлиги баён этилган.

Бундан ташқари даъвогар С.Комилов ўзига тегишли бўлган низоли хонадонни жавобгар Д.Акбаровга сотиб, хонадон учун 10.000 АҚШ долларини тўлиқ олгани, хонадонни жавобгар Д.Акбаровнинг номига расмийлаштириб берганлигини баён қилиб, 2011 йил 29 ноябрь куни тилхат ёзган ва уни ўз имзоси билан тасдиқлаган.

Апелляция инстанцияси суди даъвогар С.Комиловнинг низоли уй хусусида тузилган олди-сотди шартномаси ва 2011 йил 29 ноябрда ёзилган тилхатдаги имзо ҳамда қўлёзма сохталаштирилганлиги ҳақидаги важларига аниқлик киритиш мақсадида тайинланган суд хатшунослик экспертизасининг хулосасига кўра, 2011 йил 29 ноябрдаги нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномаси ва тилхатдаги имзо ва қўлёзма айнан даъвогар С.Комилов томонидан бажарилганлиги қайд этилган. Гарчи ушбу хулосага даъвогар С.Комилов эътироз билдирган бўлса-да, апелляция инстанцияси суди хулоса илмий жиҳатдан асосланганлиги боис бирон-бир тарзда инкор этиш асослари мавжуд эмас, деган хулосага келган.

Зеро, Олий суд Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги "Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида"ги қарори 6, 8, 9-бандларида фақатгина Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 113-126-моддаларида баён этилган асослар бўйича шартномаларни ҳақиқий эмас, деб топилишига йўл қўйилиши, Фуқаролик кодексининг 9-бобида қайд этилган қоидалар битимларни ҳақиқий эмас, деб топишнинг қатъий асослари ҳисобланишига судлар эътибор қаратишлари ҳақида тушунтиришлар берилган.

Хулоса қилиб айтганда, битим тузиш чоғида тарафлар унинг қонунийлигига алоҳида эътибор қаратишлари ва ҳуқуқий оқибатларини ҳар томонлама ўйлаб кўришлари зарур. Шундагина битимлар юзасидан турли низолар келиб чиқмайди ва у тарафларнинг манфаатларига хизмат қилади.

М.ЮЛДАШЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг судьяси

Jinoyatga jazo muqarrar

Алдов ва фириб йўли
афсус ва надоматга сабаб бўлади

Миллий тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган мамлакатимизда қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бироқ ҳаётда нафс илинжида турли хил қилмишларга, хусусан, одамларнинг ишончини суиистеъмол қилиш эвазига мўмай бойлик орттиришга уринадиган кимсалар ҳам учраб туради.

Албатта, ҳар қандай иллатга, эртами-кечми, барҳам берилганидек, ўзгалар ишончини суиистеъмол қилиш орқали содир этиладиган фирибгарлик жиноятига нисбатан ҳам жазонинг муқаррарлиги таъминланади. Эътиборлиси шундаки, мамлакатимизда ушбу жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида муҳим чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Чунончи, жабрланувчига етказилган зарарни қопламаган тақдирда, фирибгарлик жиноятини содир этган шахслар амнистия акти асосида жазодан озод этилмаслиги ҳам фирибгарликка қарши курашиш ва унинг салбий оқибатларини бартараф этиш борасидаги муҳим қадам бўлди, десак, янглишмаймиз.

(Давоми тўртинчи бетда)

Hikmat

Донолар дейдиларки

Фазилат бизларни саодатга етказувчи бирдан-бир воситадир.

* * *

Ҳақиқий олим ўзининг илми билан мақтанмайди, чунки у ўзидан ҳам зўр олим ва фозил борлигини биладди.

* * *

Фақат ёмонликдир нодондан асар.

* * *

Тинглаш ва сукут сақлаш сени доноликка етаклайди. Сукут — доноликнинг бошланиши.

* * *

Кишиларнинг муҳаббатини ўзингга жалб қилмоқчи бўлсанг, сахий бўл, чунки саховат сени севикли қилади.

* * *

Билимлининг бири билимсизнинг мингига тенг, зеро, илмли кишилар илм-маърифатнинг қадрига етади.

* * *

Тафаккур — донишманд қалбнинг тириклиги.

Huquqiy ma`rifat

Фарзандликка олишнинг қонуний тартиби

оилалар мустаҳкамлиги ва ёш авлод камолотида муҳим ўрин тутади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Айниқса, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган мустаҳкам норматив-ҳуқуқий база яратилиб, йилдан-йилга замон талабларига мос равишда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш асосида такомиллаштирилиб борилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Айниқса, 2013 йил 30 апрелда қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонунга мувофиқ, Фуқаролик процессуал кодекси "Фарзандликка олиш" деб номланган янги 31¹-боб билан тўлдирилди. Қонунчиликдаги мазкур янгилик жамиятимизнинг асоси бўлмиш оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини оширишга ҳамда оилавий муносабатларда қонунийликни таъминлашда суд органларининг аҳамияти ва нуфузини оширишга хизмат қилади.

Шу ўринда фарзандликка олишнинг ҳуқуқий оқибатлари тўғрисида сўз юритишдан олдин мазкур тоифадаги фуқаролик ишларини судда кўришнинг ўзига хос хусусиятларига тўхталиб ўтиш лозим.

Айтиш керакки, фарзандликка олиш ҳақидаги фуқаролик ишларида судловлиликнинг ҳам ҳудудий, ҳам турдош турлари мавжуд. Умумий қоидага асосан, фарзандликка олиш ҳақидаги ариза билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси судга мурожаат қиладиган бўлса, ушбу ариза ҳудудий судловлилик қоидасига биноан, фарзандликка олинаётган боланинг яшаш жойидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро (туман, шаҳар) судлари томонидан кўриб чиқилади. Башарти, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болани фарзандликка олиш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилган тақдирда, бундай аризалар турдош судловлилик қоидасидан келиб чиққан ҳолда, бола яшайдиган ҳудуддаги тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар суди томонидан кўриб чиқилиб, ҳал қилинади.

Фарзандликка олиш жараёнида қонунийликни таъминлаш ва фарзандликка олиш ишига масъулият билан ёндашиш мақсадида, қонунчиликда фарзандликка олиш ҳақидаги аризаларга нисбатан бир қатор талаблар қўйилган. Амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 285²-моддасида айнан ушбу ҳолатлар батафсил баён қилинган.

Мазкур кодекснинг 285⁵-моддаси талабига асосан, фарзандликка олиш ҳақидаги фуқаролик ишлари, албатта, васийлик ва ҳомийлик органи ҳамда прокурор иштирокида кўриб чиқилиши шарт.

Шунингдек, фарзандликка олиш ҳақидаги фуқаролик ишларини кўриш жараёнида ишда иштирок этувчи шахсларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотлар ошкор бўлишига йўл қўймаслик ва фарзандликка олишнинг сир сақланишини таъминлаш мақсадида, ушбу тоифа ишлар ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқилади.

Бундан ташқари фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза қаноатлантирилган тақдирда, суднинг ҳал қилув қарорида фарзандликка олинган боланинг туғилиши ёзилган дафтарга ўзгартишлар киритиш учун зарур бўлган фарзандликка олинган ва фарзандликка олувчилар (олувчи) тўғрисидаги барча маълумотлар кўрсатилиши шарт.

Яна шуни қайд этиш лозимки, фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза қаноатлантирилган тақдирда, фарзандликка олувчилар (олувчи) ва фарзандликка олинаётган боланинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари фарзандликка олинган боланинг туғилишини ёзиш дафтарига зарур ўзгартишлар киритилган кундан эътиборан белгиланади. Бундай ҳолатда, суд фарзандликка олиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб, уч кун ичида ушбу ҳал қилув қаоридан кўчирмани фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юбориши шарт.

Хулоса қилиб айтганда, фарзандликка олишнинг суд тартибида амалга оширилиши турли қонунбузилишларнинг олдини олибгина қолмай, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, боланинг оилада тарбияланиш ва ота-она ғамхўрлигидан баҳраманд бўлиш каби узвий ҳуқуқларини амалда самарали ҳимоя қилиш, бир сўз билан айтганда, ёш авлодни жисмонан соғлом, ақлан баркамол инсон қилиб тарбиялашдек эзгу мақсадга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Сайёра КОШАЕВА,
фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг судьяси

G`aroyib olam

Маълумки, табиатда ҳар қандай жонзотнинг ўзига хос яшаш тарзи ва шунга яраша ҳимояланиш воситалари мавжуд. Жумладан, кўплаб жонзотлар ҳимоя воситаси сифатида ё шиддатли жисмоний қуввати ёки ўткир тишлари ёхуд баҳайбат панжаларини зарур қурол қилиб ишга солади. Бошқа баъзи бирлари эса, ҳужум қилиш ёки ҳимояланиш мақсадида табиат ато қилган ўта кучли заҳридан ҳам фойдаланади.

Биз билган ва билмаган дунё

ЭНГ ЗАҲАРЛИ ЖОНЗОТЛАР

Заҳарининг ўткирлиги бўйича дунёда биринчи ўринда турувчи жониворлардан бири "Кубмедуза" ҳисобланади. Бу жонзотнинг ташқи кўриниши айнан куб шаклида бўлгани учун ҳам шундай номланган. Маълумотларга қараганда, "Кубмедуза"лар сўнгги 60 йил ичида 6 мингга яқин кишининг ҳаётига зомин бўлган. Унинг заҳри жуда хавфли саналади: токсинлари юракни, асаб тизимини ва тери ҳужайраларини қаттиқ зарарлайди. Энг ёмони, жабрланувчи кучли оғриқдан карахт бўлиб қолади.

Қирол кобраси деб аталадиган илоннинг заҳри ҳам "Кубмедуза"никидан қолишмас экан. Узунлиги 5-6 метрга етадиган ушбу жонивор дунёдаги энг узун заҳарли илон ҳисобланади. Қирол кобрасининг биргина чақиши нафас мушаклари фалажини келтириб чиқариб, юракнинг тўхтаб қолишига сабаб бўлади ва 15 дақиқа ичида рақибини ўлдиради. Агар у филнинг хартумидан чақса, фил атиги уч соатгача зўрға дош бериши мумкин, холос.

Кези келганда шуни айтиш жоизки, илонлар орасида қирол кобрасидан ҳам заҳарлироқлари учрайди, бироқ у кўпроқ заҳар чиқариш қобилиятига эга. Қирол кобраси Жанубий ва Жанубий Шарқий Осиёнинг қуюқ тоғ ўрмонларида яшайди.

Заҳарли жонзотлар ҳақида гап кетганда, оддийгина чаёнларни инсон ҳаёти учун илонларга нисбатан бир мунча хавфсиз ҳисоблаш мумкин. Нега деганда, уларнинг чақиши кучли оғриқни юзага келтиради, холос. Бироқ Шимолий Африка ва Яқин Шарқда яшайдиган Лейрус Квинкестриатус чаёни заҳри жуда кучли — чидаб бўлмас оғриқни келтириб чиқариб, одамни комага тушириб қўйиши ва ҳатто баъзан ҳаётдан кўз юмишига олиб келиши мумкин.

Очиқ табиатда тез-тез учрайдиган "Тайпан" деб аталувчи илондан олинадиган 44 мг заҳар эса, 250 мингта сичқонни ўлдиришга етади. Унинг заҳри оддий кобранинг заҳридан 400 мартагача кучлироқ таъсир кўрсатади. "Тайпан" чаққанидан кейин одам 45 дақиқа ичида ҳаётдан кўз юмиши мумкин. Яхшиямки, унинг заҳрига қарши восита ишлаб чиқилган. Қолаверса, "Тайпан" жуда ҳуркак бўлади, у бирор-бир хавфни сезиши билан жуфтакни ростлаб қолади. "Тайпан"лар кўпроқ Австралия кенгликларида яшайди.

Четдан қараганда, анчайин беозор кўринадиган бақаларнинг ҳам баъзилари заҳарли бўлишига кўпчилик ишонмайди. Аммо Марказий ва Жанубий Американинг серёмғир ўрмонларига йўлингиз тушса, кичкинагина қизил бақага зинҳор қўлингизни тегизманг, чунки кўпинча унинг териси заҳарли бўлади.

Австралия саккизоёғи номи билан аталадиган жонивор, асосан, Австралия сувларида яшайди. Унинг катталиги атиги гольф коптогича келса-да, лекин заҳри ҳатто одам учун ҳам хавф туғдириши мумкин. Афсуски, Австралия саккизоёғининг заҳрига қарши ҳали бирон-бир восита ишлаб чиқилмаган.

Бразилия чалғитувчи ўргимчаги ҳам ана шундай ўта заҳарли жонзотлар тоифасига киради. Уни баъзи табиатшунослар банан ўргимчаги деб ҳам аташади. Бу ўргимчакнинг чақиши кишининг лимфа тизимига ўша заҳотиёқ кучли таъсир кўрсатади. Бундан ҳам хавфли томони шундаки, у бошқа ўргимчаклар каби тўр тўқимайди, демак, кўзга ташланмайди, балки дуч келган жой — кийим-кечаклар, пойабзал, автомобилларда яшириниб олиб, кун кечиради.

Пуфакбалиқ эса, заҳарлилик бўйича умуртқалилар орасида тилларанг заҳарли бақадан кейин иккинчи ўринда турса, ажаб эмас. Ҳатто унинг айрим турларини Япония ва Кореяда маҳаллий таом сифатида истеъмол қилинади. Бироқ балиқнинг баъзи аъзоларида фалажга сабаб бўлувчи, тез таъсир этувчи заҳар мавжуд. Шунинг учун ундан фақатгина махсус ошпазлар таом тайёрлашади.

Айтиш керакки, ташқи кўриниши чиройли конусни эслатадиган ва кишини ўзига тортувчи мармар чиғаноқнинг бир томчи заҳри масалан, 20 кишининг умрига зомин бўлишига бир қарашда ишониш қийин. Бироқ бу айни ҳақиқат. Агар у чақиб олса, аввал, кучли бош оғриғи, фалажлик ва нафаснинг тўхтаб қолиши юз беради.

Яна бир ғалати жонзот — Тошбалиқнинг ташқи кўриниши одатда ҳеч кимнинг диққатини тортмайди. Бироқ у дунёдаги энг кучли заҳарли балиқ сифатида тан олинади. Унинг заҳри шунчалик кучлики, мабода чақиб олгудек бўлса, ҳар қандай жонзот ҳаётдан кўз юммай қолмайди. Тинч ва Ҳинд уммонларида яшайдиган тошбалиқнинг заҳри сиртидаги "тиш"ларига йиғилган бўлади.

Хориж маълумотлари асосида Бобур ЗОҲИДЖОНОВ тайёрлади.

Maslahat

Нотариал ҳаракат

уни амалга ошириш ва тўхтатиб туриш муддатлари

Амалдаги «Нотариат тўғрисида»ги қонуннинг 31-моддасида нотариал ҳаракатни амалга ошириш ва тўхтатиб туриш муддатлари ҳақида сўз юритилган.

Нотариал ҳаракатлар ҳақ тўланганидан сўнг зарур бўлган барча ҳужжатлар тақдим этилган куни амалга оширилади.

Нотариал ҳаракатни амалга ошириш қўшимча маълумотларни талаб қилиб олиш ёки ҳужжатларни экспертизага юбориш зарур бўлганида кечиктирилиши мумкин.

Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш, башарти қонунга биноан манфаатдор шахслардан ушбу ҳаракатларни амалга оширишга эътироз бор-йўқлигини сўраш зарур бўлганда, кечиктирилиши мумкин. Нотариал ҳаракатни амалга оширишни кечиктириш муддати бир ойдан ошмаслиги лозим. Нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган шахснинг талабига кўра, унга нотариал ҳаракатни амалга оширишни кечиктириш ҳақидаги қарор берилади.

Манфаатдор шахс тасдиқлашни сўраётган ҳуқуқ ёки факт устида даъволашиш учун судга мурожаат қилиш истагидаги бошқа манфаатдор шахснинг аризасига кўра, нотариал ҳаракатни амалга ошириш кўпи билан ўн кун муддатга кечиктирилиши мумкин. Агар бу муддат ичида ариза тушганлиги ҳақида суддан маълумот олинмаса, нотариал ҳаракат амалга оширилиши лозим.

Бир манфаатдор шахс тасдиқлашни сўраётган ҳуқуқ ёки факт устида даъволашаётган бошқа манфаатдор шахсдан ариза тушганлиги тўғрисида суддан маълумот олинган тақдирда нотариал ҳаракатни амалга ошириш мазкур иш судда ҳал бўлгунига қадар тўхтатиб турилади.

Қонун ҳужжатларида нотариал ҳаракатларни амалга оширишни кечиктириш ва тўхтатиб туришнинг бошқа асослари ҳам белгиланиши мумкин.

Феруза ҲИДОЯТОВА,
Шайхонтоҳур тумани 2-сон Давлат нотариал идораси катта нотариуси

Jinoyatga jazo muqarrar

Алдов ва фириб йўли

афсус ва надоматга сабаб бўлади

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Ўрни келганда шуни қайд этиш жоизки, Жиноят кодексининг 168-моддаси диспозициясида ишончни суиистеъмол қилиш деганда, айбдор томонидан мулк эгаси ёки мулкни учинчи шахсларга бериб юбориш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатига эга бошқа шахслар билан бўлган ишончли муносабатлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиш тушуниш лозимлиги белгилаб қўйилган. Бунда ишончга турли ҳолатлар, масалан, айбдор шахснинг хизмат мавқеи ёки унинг жабрланувчи билан шахсий ёки қариндошуруғлик муносабатлари ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Шу ўринда мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, Икромжон Рўзибоев ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб, ўзганинг мол-мулкини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида фуқаро Ҳошимжон Қўчқоровнинг ишончига киради ва унга "ака, мен фирмам орқали автосалонга пул ўтказиб, сизга "Дамас" русумли янги автомашина олиб бераман", дея ваъда беради. Шундан сўнг у Ҳ. Қўчқоровнинг 8 миллион 421 минг сўмга тенг бўлган 5 000 АҚШ долларини, 2011 йил 15 апрель куни 3 миллион 372 минг 360 сўмга тенг бўлган 2 000 АҚШ долларини қўлга киритади.

Айтиш керакки, И. Рўзибоев ўзининг жиноий режаларини амалга ошириш учун янги-янги ҳийлаю найрангларни ўйлаб топади. Жумладан, у 2011 йилнинг август ойида ҳали олинмаган автомашинани расмийлаштириш ва унга газ мосламаси ўрнатиш учун дея Ҳ. Қўчқоровнинг 3 миллион 647 минг 217 сўмга тенг бўлган 2 100 АҚШ долларини олади. Орадан кўп ўтмай у "автомашинанинг нархи ошиб кетибди", дея унинг 6 миллион 230 минг 945 сўмга тенг бўлган 3 500 АҚШ доллари миқдоридаги пулларини осонгина қўлга киритади. Қисқаси, бу фирибгар кимса алдов йўли билан Ҳ. Қўчқоровнинг 22 миллион 179 минг 962 сўмга тенг бўлган 12 минг 900 АҚШ долларини қўлга киритиб, ушбу маблағни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборади.

Бундан ташқари фирибгар И.Рўзибоев ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран ўзганинг молмулкини қўлга киритиш мақсадида, Умидахон Абдуллаевани ҳам чув туширади.

Унга ҳам фирмасидан автосалонга пул ўтказиш орқали "Нексия" русумли янги автомашина олиб беришини ваъда қилади.

У.Абдуллаева ҳам бу таклифга рози бўлади. Шу тариқа у "ҳожатбарор укаси"га дастлаб 8 миллион 569 минг сўмга тенг бўлган 5 000 АҚШ доллари, кейинчалик 7 миллион 374 минг сўмга тенг бўлган 4 000 АҚШ доллари, жами 15 миллион 943 минг сўмга тенг бўлган 9 000 АҚШ долларини қўшқўллаб топширади.

Табиийки, И.Рўзибоев алдов ва фирибгарлик йўли билан қўлга киритган бу маблағни ўзининг эҳтиёжига ишлатиб юборади.

Бироқ ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, И. Рўзибоевнинг қинғир ишлари ҳам тез орада фош бўлди. У ўзининг бу қилмиши билан Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми "б" бандида ва 28-, 211-моддаси 3-қисми "в" бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилди.

Суд қонун талабидан келиб чиқиб, И. Рўзибоевга нисбатан Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади.

Ҳаётда тўғри йўлдан четга чиқиш, ўзгалар ҳақига кўз тикиш ҳеч қачон яхшилик билан якун топмаслигини судланувчи Ҳ.Бахтибоевнинг қилмиши мисолида ҳам кўриш мумкин. Буёғини сўрасангиз, Ҳ.Бахтибоев Жалақудуқ туманидаги "Суфиқишлоқ пахта тозалаш" ОАЖга қарашли "Ойим" тайёрлов маскани мудири лавозимида тўппа-тузук фаолият юритиб келаётган эди. У жамоада ҳам, маҳалла-куйда ҳам обрў-эътиборга эга эди. Бироқ нафс қутқуси уни тўғри йўлдан оздирди, у масъул, мансабдор шахс бўлгани ҳолда мансаб ваколати доирасидан четга чиқиб, қонунга хилоф тарзда ўзганинг мулкини қўлга киритиш мақсадида, бошқа шахслар билан олдиндан ўзаро жиноий тил бириктиради. "Далварзин чашмаси" фермер хўжалиги раҳбари А.Қурбоновга ёлғон ваъда бериб, унинг 600 АҚШ доллари ҳамда 1 миллион 80 минг сўм миқдоридаги маблағини фирибгарлик йўли билан қўлга киритади.

Албатта, орадан кўп ўтмай унинг фирибгарлик қилмиши ошкор бўлди. Энг ёмони, у жамоаси, маҳалла-кўй ўртасида юзшувит бўлиб қолди. Шунингдек, суд томонидан унга нисбатан қилмишига яраша қонуний жазо тайинланди.

Хулоса қилиб айтганда, ўзгалар ишончини суиистеъмол қилиш ёхуд алдов йўли билан қўлга киритилган молмулк ҳеч қачон яхшилик келтирмайди. Зотан, халқимиз текин луқма тешиб чиқади, деб бежизга айтмаган. Шундай экан, ҳалоллик, тўғрисўзлик умримизга мазмун, кўнглимизга ҳаловат бағишлашини доимо ёдда тутайлик.

Равшан СУЛТОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Жалақудуқ тумани судининг раиси

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шоюнус ГАЗИЕВ
Светлана АРТИКОВА
Кўчқор ТОҒАЕВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Ғайрат ХИДОЯТОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (8 371) 239-02-55, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@oliysud.uz
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-822. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 8234.
2 3 4 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 22⁰⁰